XXVII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

# ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

## ПАРТИЯ ДЕМОКРАТИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, КОММУНИСТЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳалари кенг муҳокама этилмоқда. Партия съездолди ҳужжатларини муҳокамага қўйиб, халқ билан экономикани ривожлантириш, ўз ички ва ташқи сиёсатининг туб масалалари юзасидан маслаҳатлашмоқда.

Бу ҳужжатларни тайёрлаш ҳам кенг демократик асосда олиб борилди. Мазкур ишда меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари, министрликлар ва идоралар, меҳнаткашларнинг кенг оммаси иштирок этдилар. Жумладан, съездолди ҳужжатларини тайёрлаш даврида КПСС Марказий Комитети ва марказий матбуот Уставдаги ўзгартишларга оид беш мингга яқин хат олдилар. Совет кишилари баён этган таклиф ва мулоҳазалар КПСС Марказий Комитетининг махсус программа комиссияси аъзолари томонидан диққат билан ўрганиб чиқилди.

Устав — партиянинг асосий қонуни. Унда партия ташкилий тузилишининг формалари, иш услублари, партия ҳаётининг принциплари ва нормалари белгилаб берилади. В. И. Ленин таърифи билан айтганда Устав «маслаҳатлашиб қабул қилинган ташкилот қоидаларини» ўзида мужассамлаштиради. У партия Программаси билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қоидаларидан келиб чиқади ва программавий мақсадларни ҳаётга тадбиқ этиш, ғоявий-сиёсий ва ташкилий ишлар, назария ва практика бирлигини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

КПСС ўз Программаларига (уларнинг биринчиси 1903, иккинчиси — 1919, ҳозир амалда бўлган учинчиси — 1961 йилда қабул қилинган) мувофиқ партия Уставларини ҳам илмий жиҳатдан ишлаб чиққан эди. КПСС муайян тарихий шарт шароитлар, партияни ривожлантириш, унинг совет жамиятидаги роли ортиб бориши талабларидан келиб чиққан ҳолда Уставга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиб борди. Масалан, ҳозирги учинчи Программа амалда бўлган даврда партия Уставига икки марта: 1966 йилда КПСС XXIII съездида ва 1971 йилда КПСС XXIV съездида қисман ўзгартишлар киритган эди.

КПСС Марказий Комитети октябрь (1985 йил) Пленуми томонидан маъқулланган партия Уставига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар ҳам янги таҳрирдаги Программа лойиҳаси қоидаларига тўла-тўкис жавоб беради. Бу ўзгартишларнинг моҳияти бир томондан ички партия демократиясини янада кенгайтириш, коммунистларнинг, барча партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ҳамда активлигини ривожлантиришдан иборат бўлса, иккинчи томондан эса партия ҳар бир аъзосининг амалда, ҳар бир конкрет иш участкасида КПССнинг бош йўлини амалга ошириш учун масъулиятини кучайтиришдан иборатдир.

Бунда партия тузилиши, ҳаёти ва фаолиятининг ленинча ташкилий принциплари Уставда ўзгармай қолади.

Партия раҳнамолик ролининг ортиб бориши Советлар мамлакати олдида турган бунёдкорлик вазифалари кўламининг кенгайиши ва мураккаблашуви билан бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан Уставда КПССнинг совет жамиятидаги роли ва аҳамиятига янада тўлароқ таъриф берилган. Айни пайтда партия аъзолигига, партия составини шакллантиришнинг принциплари ва йўлларига тааллуқли масалалар ривожлантирилган, КПСС аъзоларининг бурч ва ҳуқуқлари, шунингдек, партия сафларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар кўрсатилган. Бунда кишиларнинг сиёсий ва ишчанлик ҳислатлари, уларнинг ҳалоллиги, софдиллиги, коммунистик қурилиш иши учун куч-ғайратни аямасликка тайёрлиги партияга қабул қилишда ҳал қилувчи шарт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шу билан биргаликда таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳасида партияга энг муносиб кишиларни яккама-якка танлаб олишни таъминлайдиган қўшимча чоралар кўзда тутилган. Шу мақсадда КПССга асосан очиқ партия йиғилишларида қабул қилиш практикаси Уставда мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Шунингдек, рекомендация берувчининг ўз тавсияси учунгина эмас, айни пайтда унинг рекомендацияси асосида партияга қабул қилинган коммунистнинг ишлари учун ҳам масъулиятини ошириш таклиф этилмоқда.

Лойиҳада КПСС аъзоларига юксак талаблар қўйилмоқда. Чунки партиянинг омма билан алоқасининг мустаҳкамлиги, партиянинг обрў-эътибори кўп жиҳатдан коммунистларнинг ўз авангардлик ролларини сидқидиллик билан масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда бажаришларига боғлиқ. Коммунистларнинг, шу жумладан, раҳбар коммунистларнинг ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун бошланғич партия ташкилотлари олдидаги масъулиятини ошириш тўғрисидаги қоида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Уставда коммунистнинг совет қонунларини бузган ҳолда партия ва давлат олдида икки томонлама жавобгар бўлиши тўғрисидаги В. И. Ленин ҳаёт пайтида ишлаб чиқилган принципни мустаҳкамлаб қўйиш кўзда тутилмоқда.

### ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН КПСС УСТАВИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Уставга киритиш таклиф этилаётган баъзи ўзгартишлар бевосита бошланғич партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигини янада оширишга, уларнинг меҳнат коллективлари фаолиятининг барча томонларига таъсирини кучайтиришга тааллуқлидир. Лойиҳада бошланғич партия ташкилотларининг ваколатлари янада кенгайтирилмоқда. Масалан, бошланғич ташкилотлар кадр сиёсатини ўтказишда бевосита иштирок этишлари кўзда тутиляпти.

Лойиҳадаги бошланғич партия ташкилоти иқтисодий ва социал ривожланиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника ютуқлари, илғор тажрибани кенг жорий этиш вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг ташкилотчиси бўлиши кераклиги тўғрисидаги қоида катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари КПСС Устави лойиҳасида бошланғич партия ташкилоти юксак сиёсий маданиятни тарбиялаш, меҳнат коллективларининг корхона, муассасани бошқаришдаги ролини ошириш, комсомол, касаба союз, бошқа жамоат ташкилотларининг активлигини ривожлантиришга кўмаклашиши керак, деб кўрсатилади.

Турмушда ўзини оқлаган кўп нарсаларни ҳам Уставга киритиш таклиф этилмоқда. Масалан, партия группаларига сайловларда бир неча йилдан бери очиқ овоз бериш қўлланилади. Бундай тартибни ҳисобида 15 нафардан кам КПСС аъзоси бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳам қўллаш кўзда тутиляпти. Ҳозирги пайтда очиқ овоз бериш барча партия ташкилотларида қўлланишига аста-секин ўтиш учун тегишли шароит туғиляпти. Бу коммунистлар ўртасида ошкоралик ва принципиаллик қарор топишига кўмаклашади.

КПССнинг совет жамиятидаги раҳнамолик роли ортиб бориши ҳамда меҳнаткашлар оммавий ташкилотлари активлиги ва ролининг кучайиши ўзаро боғлиқ, яхлит жараён ҳисобланади. Буни коммунизм қураётган жамиятни ривожлантиришнинг объектив талаблари тақозо этмоқда.

КПСС Уставига давлат ва жамоат ташкилотларига партиявий раҳбарликнинг асосий принциплари ва формалари баён этилган бўлимни киритиш таклиф этилмоқда. Жумладан, унда комсомолга партиявий раҳбарликни кучайтириш, партиянинг ёшларга таъсирини ошириш тўғрисидаги таклифлар бор.

Лойиҳада КПСС давлат ва жамоат ташкилотларига раҳбарликни уларда ишлайдиган коммунистлар орқали амалга оширади, деб таъкидланади. Партия давлат ва жамоат ташкилотлари Конституцияда белгиланган ўз ваколатларини, Уставда белгиланган ҳуқуқ ва вазифаларини тўла-тўкис бажаришларига ҳаракат қилади, уларнинг ишига кенг меҳнаткашларнинг жалб этилишига ёрдам беради. Партия ташкилотлари совет, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрнини олмайдилар, ишда кераксиз параллелизмга йўл қўймайдилар.

Бир сўз билан айтганда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишларда партия томонидан тўпланган қимматли тажриба умумлаштирилган. Улар мамлакатимиздаги барча коммунистлар, партия ташкилотларининг социализмни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш асосида планли ва ҳар тарафлама такомиллаштиришга қаратилган программавий мақсадларни амалга оширишдаги ташаббускорликлари ва активликларини кучайтиришга бўлган интилишларини ифода этади.

**А. ЕРМОЛАЕВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор. (АПН).**

---

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ВА АСПИРАНТЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясига тингловчилар ва аспирантларнинг навбатдаги қабули эълон қилинмоқда. Академиянинг аспирантурасига, асосий ва сиртқи бўлимларига олий маълумотли, 40 ёшгача бўлган партия, совет, идеология, касаба союз ва комсомол органларининг раҳбар ходимлари иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, КПСС ўлка, область комитетларининг, марказий ташкилотлар ва идеология муассасаларининг тавсиясига мувофиқ қабул қилинади.

Академия аспирантурасининг КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, партия қурилиши, Совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи, идеология иши, ишлаб чиқариш экономикаси ва унинг ташкил этилиши, социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш, социал психология ва педагогика, тарих, журналистика, социалистик маданият, халқаро коммунистик ҳаракат, халқаро муносабат ва ташқи сиёсат кафедраларига, шунингдек илмий атеизм институтига қабул қилинади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, КПСС ўлка, область комитетлари, марказий ташкилотлар ва идеология муассасалари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясига ўқишга тавсия этиладиган ходимлар учун бюро (коллегия) қарорларидан кўчирма, характеристика ва тегишли ҳужжатларни топширадилар. Аспирантурага кирувчилар эълон қилинган ишлари, шу жумладан, газета ва журналларда босилган мақолалари рўйхатини тақдим этадилар.

Аспирантурага тавсия қилинган кишилар кириш имтиҳонларини топшириш учун 1986 йил 14 апрелдан 30 апрелгача КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясига таклиф этилади: асосий ва сиртқи бўлимларга кирувчилар 1986 йил 12 майдан 12 июлгача суҳбатга таклиф қилинади.

Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва имтиҳон топшириш учун аспирантурага тавсия этилган кишиларга иш жойидаги иш ҳақини сақлаб қолиб, 30 календарь куни муддати билан отпуска берилади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясида машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

---

## ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА. Бугун Чехословакия Коммунистик партиясининг таклиф этилаётган ўзгартишлар билан Устави лойиҳаси эълон қилинди. Бу ҳужжат партиянинг март ойи охирларида ўтказиладиган XVII съезди олдидан коммунистларнинг муҳокамасига тақдим этилмоқда. Уставнинг баъзи қоидаларига киритилаётган аниқликлар ва қўшимчалар ЧССРни жадал иқтисодий ва социал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш соҳасида партия органлари ва ташкилотлари, партиянинг ҳар бир аъзоси олдида турган талабларни тўлиқроқ акс эттириши лозим. Устав лойиҳасида социалистик демократияни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, халқ бирлигини мустаҳкамлашда партиянинг роли аниқлаб берилади.

● ПАРИЖ. Кейинги вақтларда мамлакат аҳолиси кенг табақалари орасида коммунистларнинг обрў-эътибори ва таъсири анча ошди, деди Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше Франция радиоси орқали сўзлаган нутқида. Компартия, деди у, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, уларнинг социал ғалабаларини сўзда эмас, балки амалда ҳимоя қилаётган мамлакатдаги бирдан-бир сиёсий кучдир. Март ойида бўладиган ялпи парламент сайловида ФКП мамлакат бошидан кечираётган ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга, француз жамиятининг энг муҳим масалаларини ҳал қилишга, миллий экономикани тубдан соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар программасини олға суради.

● КАРАКАС. Контадор группасига кирган Колумбия, Мексика, Панама ва Венесуэла, шунингдек Аргентина, Перу, Бразилия ва Уругвай ташқи ишлар министрлари Венесуэла пойтахти яқинидаги Карабальеда курорт шаҳарчасида ўтказилган икки кунлик кенгашини тугалладилар. Улар Марказий Америка давлатларининг бошлиқларига «Марказий Америкада тинчлик, хавфсизлик ва демократия учун Карабальеда мурожаатномаси» деб аталган ҳужжатни йўлладилар. Мурожаатномада регион давлатларига агрессив ҳуружлар қилмаслик, Марказий Америкада тинчлик ва ҳамкорлик учун контадор актини имзолаш мақсадида музокараларни ниҳоясига етказиш, қўпорувчи кучларга мадад бермаслик тўғрисида зиммаларига ихтиёрий равишда мажбурият қабул қилиш таклиф этилади. Декларацияда шу регионда ажнабий давлатларнинг ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлари ва машқларини тўхтатиш зарурлиги уқтириб ўтилади.

● ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Жорж Шульц Америка Си-Би-Эс телекомпаниясининг якшанба кунги программасида сўзлаган нутқида Ливияга яна қўпол ҳуружлар қилди. Шульц Вашингтон маъмурияти Қўшма Штатларнинг Ғарбий Европадаги иттифоқчиларини Ливияга қарши биргаликдаги иқтисодий жазо чораларига жалб этиш борасидаги куч-ғайратларни давом эттириш ниятидадир, деди.

● ТРИПОЛИ. Мавритания ташқи ишлар министри Аҳмад Ульд Минних ўз мамлакати Ливия халқи билан бирдам эканлигини айтди. Ливия халқи Қўшма Штатларнинг таҳдид ва дўқ-пўписа сиёсатига қаршилик кўрсатмоқда. Расмий визит билан Ливияга келган Мавритания министри араб мамлакатлари Американинг суверен Ливияга нисбатан таҳдидлари ва «Жазо чоралари»га қарши биргаликда ҳаракат қилиш программасини ишлаб чиқаётганликларини таъкидлаб ўтди.

● ТОКИО. Японияning 900 га яқин шаҳар ва посёлкасини маҳаллий ҳокимият органлари ядро қуролидан холи зоналар, деб эълон қилдилар. «Акахата» газетаси шу ҳақда хабар қилиб, бу шаҳар ва посёлкаларнинг территориясида мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи — 60 миллиондан зиёд киши яшаётганлигини таъкидлади.

(ТАСС, 13 январь).

---

Кенг истеъмол товарлари кўпайсин!

## СИФАТ ПОТОКЛАРИ НАМУНА БЎЛМОҚДА

**Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн биринчи беш йилликда, айниқса унинг иккинчи ярмида ўз фаолияти кўрсаткичларини кескин яхшилашга эришди. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, янги асбоб-ускуналарни ишга тушириш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини қўлланиш, пешқадам ишчилар тажрибасини оммалаштириш туфайли маҳсулот реализация қилиш планлари муваффақиятли бажарилди, ишнинг сифат кўрсаткичларида ижобий силжишлар бўлди.**

**Корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан икки ой илгари бажарди. Ҳаммаси бўлиб 144 миллион сўмликдан кўпроқ чарм-галантерея ҳамда спорт буюмлари истеъмолчиларга етказиб берилди. Бунинг 2 миллион сўмликдан зиёдроғи планга қўшимчадир.**

**Корхонада бир беш йилликда ўн йиллик планни бажариш, ўз шахсий тамғасига эга бўлиш, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олиш учун шахсий меҳнат беллашуви кенг йўлга қўйилди. Унда юзлаб ишчилар қатнашдилар. Уларнинг аксарияти зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар. 45 нафар ишчи икки беш йиллик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Ўн нафар ишчи эса маҳсулотни шахсий тамға билан чиқариш ҳуқуқини олди. Кўп жиҳатдан шундай ишлаб чиқариш илғорларининг фидокорлиги ва ижодий изланиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтиришда муайян ютуқларга эришилди. Беш йил давомида «янгилик» индекси билан тайёрланган турли-туман буюмлар 15 миллион сўмликни ташкил этди.**

**Коллектив эришган бундай катта муваффақиятларга барча цехлар, участкалар ва бригадалар ишчи-хизматчилари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Шундай илғор коллективларнинг вакиллари биз билан суҳбатда ўзларининг иш тажрибалари, унумли ва сифатли ишлаётганликларининг «сир»лари, муаммолар, ҳақида қисқача сўзлаб бердилар.**

**Бичув цехи илғор ишчиси Камола ВАҲОБОВА:**

— ЦЕХИМИЗ коллективи зиммасидаги вазифа жуда шарафлидир. Айни вақтда унинг масъулияти ҳам катта. Чунки, бирлашмамиздаги деярли ҳамма цехларнинг иши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Коллективимиз қанча соз ишласа, яъни бичиқларни қанчалик тез ва соз тайёрлаб берсак, бошқа цехлар коллективларининг иши ҳам шунчалик юришиб кетади. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз сидқидилдан ишлашга ҳаракат қиламиз.

Цехимиздаги кўпгина ишчилар ўз касбларининг моҳирлари ҳисобланишади. Дугоналаримдан Севара Исмоилова, Манзура Исамуҳамедова, Муаттар Қўчқоровалар, ветеран ишчилар Комил Рустамов, Роза Светличнаялар топшириқларни доим ортиғи билан бажаришмоқда. Улар ўн биринчи беш йиллик бошидан бери 6—8 йиллик шахсий нормани уддалашди. Мен ҳам илғорлардан қолишмасликка интиляапман. Бутун маҳоратимни сарфлаб ишлаётганлигим учун шу кунларда 1987 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқдаман.

**Илғор комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи Гулшода ТОҲИРОВА:**

— ПАРТИЯМИЗНИНГ съездолди ҳужжатлари барча совет кишилари қатори бирлашмамиз ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоатини янада ошириб юборди. Уларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш назарда тутилган. Бизнинг коллективимиз бу вазифанинг бажарилишига оз бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор. Ҳозирги вақтда ҳаммамизнинг фикри-зикримиз шунга қаратилган.

Корхонамизда ташкил этилган юксак сифат потоклари айни муддао бўлмоқда. Бу потокларда фақат харидорбоп, меҳнаткашларга манзур бўладиган сифатли буюмлар тайёрланмоқда. Бизнинг бригадамиз ҳам шундай потокларнинг бирида ишлаяпти. Асосан, хотин-қизлар учун турли хил сумкалар тикиб чиқарамиз. Уларга талаб эса катта.

Биз худди шундай иккинчи потокда ишлаётган чеварлар билан мусобақалашмоқдамиз. Бу меҳнат беллашуви давомида бир-биримизнинг илғор иш усулларимизни ўзаро баҳам кўраяпмиз. Натижада иккала коллективнинг меҳнати натижаси доим баракали бўлаяпти. Планларни ортиғи билан бажараяпмиз. Маҳсулотнинг брак бўлиши тўла бартараф этилди. Бригадамиз аъзоларидан Мунира Соатова, Малика Орипова, Озода Дўстмуҳамедовалар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ҳаммамизнинг ҳурматимизни қозонишган. Улар КПСС XXVII съездини йилнинг биринчи квартали топшириқларини бажариш билан кутиб олишмоқчи. Пешқадамлар албатта ўз сўзларининг устидан чиқишади. Улар шунга одатланишган.

**Бирлашма бош директори Собиржон Каримович САИДКАРИМОВ:**

— ЎН БИРИНЧИ беш йилликда ёмон ишламадик. Ютуқларимиз чакки бўлмади. Лекин, бу хотиржамланиш учун асос бўлолмайди. Чунки, ўн иккинчи беш йилликда коллективимиз олдига янада кенг қамровли вазифалар қўйилган.

Ўн иккинчи беш йилликда ҳаммаси бўлиб 165 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишимиз керак. Бу ўтган шу давр ичида эришилган натижадан 21 миллион сўмлик ортиқдир. 2000 йилга бориб эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтиришимиз керак. Асримизнинг сўнгги беш йиллигида ишлаб чиқариладиган жами маҳсулот ҳажми 200 миллион сўмликдан кам бўлмаслиги назарда тутилмоқда.

Истиқболда асосий фондлар самарадорлигини ҳам анча оширишимиз лозим. Агар ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланган ҳар бир сўм маблағ 3 сўм 25 тийинлик фойда келтирган бўлса, 1990 йил охирига бориб у 4 сўм 27 тийинга етиши керак. Бунга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аввало, кенг ҳажмда реконструкция ишларини амалга ошириш талаб этилади. Ишлаб чиқаришнинг ва тайёрланаётган маҳсулотнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари янада юксалтирилиши лозим. Бунинг учун кўплаб янги техника воситалари, механизациялашган поток линиялари ва бошқа шу каби прогрессив технология жараёнлари жорий этилиши керак.

Коллективимиз олдида турган вазифаларни бекамукўст бажариш учун барча ишни қилади. Бунинг учун, аввало, корхонамизда техника тараққиётини жадаллаштириш, ишчи-хизматчиларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширишни планлаштириб қўйдик. Лекин, бу муҳим ишда биз ташқаридан бериладиган ёрдамга ҳам муҳтожмиз.

**Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг хомашёси ҳам кўнгилдагидек бўлиши лозим. Лекин, ҳамма вақт ҳам шундай бўлмаяпти. Бундай материаллар билан таъминлашда узилишлар содир бўлаяпти. Айрим ҳолларда уларнинг сифати ҳам талабга жавоб бермаяпти. Бирлашмамизга материаллар ва хомашё етказиб берувчи корхоналар анчагина бор. Улар таъминот ишидаги ана шу камчиликларни бартараф этишса айни муддао бўларди.**

Яна бир муаммо устида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса корхонани контейнерлар билан таъминлаш масаласидир. Бу иш ҳам талаб даражасидан орқада қолмоқда. **Контейнерлар етарли ажратилмаганлиги оқибатида кўпинча тайёр маҳсулотни буюртмачиларга вақтида етказиб беришда қийинчиликлар содир бўлмоқда.** Айрим вақтларда шартнома мажбуриятларида кўрсатилган муддатларга амал қилолмаяпмиз. Чунки, Тошкент товар станцияси ҳар доим контейнерларни биз юборган талабномада кўрсатилган миқдорда ажратмаяпти. Шу станция раҳбарлиги вагонларда келтирилган хомашёни бирлашмага етказиб беришда ҳам лоқайдлик қилмоқда. Бундан коллективимиз маълум даражада зарар кўрмоқда.

Ҳозирги харидор маҳсулотларнинг ниҳоятда чиройли, хушбичим ва кўркам бўлишини талаб этаяпти. Лекин, биз ҳамма вақт ҳам ана шу талаб даражасида ишлаётганимиз йўқ. Бунга қанча интилсак ҳам кўпинча уддасидан чиқолмаяпмиз. **Чунки, бунинг учун тайёрланаётган маҳсулотга турли хил безаклар беришимиз учун материаллар, фурнитуралар керак бўлади. Ҳозирги вақтда бундай материаллар етарли даражада етказиб берилмаяпти. Лекин биз уларнинг айримларини ўз кучимиз билан тайёрлаяпмиз. Бу йил заргарлик заводи билан ана шундай маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартнома туздик. Агар унга тўла амал қилинса, ишларимиз юришиб кетиши аниқ.**

Коллективимиз ўн иккинчи беш йиллик ва унинг дастлабки йили социалистик мажбуриятларини тўла бажариш учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солади, тажриба ва маҳоратини сарфлаб фидокорона меҳнат қилаверади.

**Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**

---

## ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

ЁШИМ 65 да. Пенсионерман. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Аммо ишлаяпман. Сабаби — ёшлигимдан меҳнатга кўникдим.

Шунинг учун бўлса керак, қизимга партиянинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини ўқитиб эшитганимда, ёшлик йилларим кўз ўнгимда қайта жонланди, ким эдим-у, ким бўлдим, дея қувондим.

Эсимни танир-танимас пайтимдаёқ ота-онамдан ажралган бўлсамда, оғир аҳволда қолиб сарсон бўлмадим. Мени болалар уйига жойлашди. У ерда бағри кенг, меҳр-оқибатли кишилар тарбиясида улғайиб вояга етдим. Кейинчалик эса оққўрғонлик Отабой отага қиз тутиниб, ҳаётда ўз ўрнимни топиб олдим. Улар мени ҳақиқий фарзандларидек меҳрибонлик билан тарбиялаб, турмушга узатишди, орзу-ҳавасларига эришишди, мен эса ҳақиқий бахтимни топдим.

Хуллас мен етимлигимга қарамай, ёшлигимдан яхши одамлар орасида ўксимай улғайганим учун бутун куч-ғайратимни жамиятимиз равнақига иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишга сарфлашга астойдил интилиб яшадим. Пенсияга чиқиб, моддий эҳтиёж сезмасамда, ҳамон меҳнат қилаётганлигимнинг боиси шу. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасининг иккинчи қисм учинчи бўлимидаги «Катта тажрибага эга бўлган меҳнат ветеранларининг қурби етадиган меҳнат фаолиятига, ижтимоий ҳаётга ва тарбиявий ишларга иштирок этиш имкониятини кенгайтириш катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишдир» деган фикрни қизғин маъқуллайман ва тўла қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга **«Бу ёшларни совет халқининг жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашнинг таъсирчан ва самарали формасидир»** деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф этмоқчиман.

**Қ. БЎТАЕВА,**
**пенсионер, Оққўрғон шаҳар автостанцияси ходими.**



**◆ ИШ ҚУРОЛИНГ соз бўлса, машаққатинг оз бўлур дейишади. Бўка район «Узсельхозтехника» бирлашмаси ишчи-хизматчилари қишлоқ хўжалик техникаларини кўкламга бекамукўст соз қилиб қўйиш учун курашмоқдалар. Ремонтчилар ўртасида ўзаро мусобақа авж олдирилган. Суратда: мусобақа илғори Барат Шерматов. У кундалик топшириқни ортиғи билан бажариб келмоқда.**

**Х. Аввалов** фотоси.

---

## АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДАЪВАТ

ТОКИО, 13 январь. (ТАСС). Япония савдо-саноат доираларининг таниқли вакили, «Комацу Сэйсакудзио» машинасозлик концернининг президенти Р. Каваи Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга даъват этди.

У Японияда чиқадиган «Токио симбун» газетаси мухбири билан суҳбатда икки қўшни давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳимлигини уқтириб ўтди. Бизнесменнинг айтишича, ҳар томонлама иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари бу жараёнда катта роль ўйнаши лозим. Сахалин қирғоғи сувларида нефть ва газ конларини ўзлаштириш юзасидан қўшма лойиҳанинг муваффақиятли тугалланиши бу алоқаларни янада ривожлантириш учун зўр омил бўлиб хизмат қилиши мумкин, деди Р. Каваи.

Ҳозирги вақтда Япония АҚШ билан савдода бошдан кечираётган қийинчиликларни, Ғарб мамлакатлари билан иқтисодий зиддиятлар кескинлашганлигини уқтирган Р. Каваи Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун зўр куч-ғайрат сарфлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.

